

“ТУРКИСТОН” АСАРИДА САМАРҚАНД ТАВСИФИ

Давронов Б.И. – ЎзМУ магистранти

Южин Скайлернинг Ўрта Осиё саёҳати билан боғлиқ ҳамда 1876 йилда илк бор Лондонда нашр этилган “Туркистон: РоссияТуркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари” (Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. – London, 1876. Vols. I – II) номли икки жилдли китоби муҳим манбадир. Асар муаллифи – АҚШнинг Россиядаги бош консули Южин Скайлер 1873 йилда Россия империяси Ўрта Осиёда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган – Бухоро амирлигининг бир қисми эгалланиб, ўз мустақиллигини бой берган, Хива хонлигига қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган, Қўқон хонлигида ички низолар кучайган паллада – Санкт-Петербургда Ўрта Осиёга ташриф буюради. Кўплаб сайёҳлар ўз саёҳатномаларини асосан барқарор, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг маълум палласини бошдан кечираётган давлатларга ташрифлари мисолида ёзиб қолдирганликларини эътиборга оладиган бўлсак, Ю. Скайлер танлаган саёҳат даври ўлка тарихи, қолаверса, Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси билан муносабатларида ўта мураккаб ҳамда қарама-қаршиликлардан иборат давр эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Асарнинг алоҳида боби Самарқандга бағишланган бўлиб, у муаллифнинг 1873 йилнинг май ойида шаҳарга ташрифи асосидаги маълумотларга таяниб ёзилган ҳамда 5 та иллюстратив расмлар ҳам берилган.

Южин Скайлернинг Самарқанд сафарига Мулла Хайрулло(х) исмли татар таржимон ҳамроҳлик қилган. Муаллиф Тошкентдан Самарқанд йўналиши бўйлаб йўлдаги Чиноз, Мирзачўл, Мирза Работ, Жиззах, Темур дарвозаси, Илонўтти дарасидаги қоятош ёзувлари ҳамда шаҳар яқинидаги Чўпонота ҳақида батафсил маълумотлар берган.

Самарқанднинг қадимги тарихидан токи Россия империяси босқинигача бўлган даври ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилган. Бунда у Рим тарихчиси Квинт Курций Руф (I аср), Хитой сайёҳлари Чжан Цян (мил. авв. II аср), Чан Чун (XIII аср), Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ва Бобур эсдаликлари ҳамда рус табиатшуноси А.А.Леманнинг тадқиқотидан унумли фойдаланган. Хусусан, Самарқанд ва унинг атрофлари, Темур ҳукмронлиги давридаги салтанат ҳақидаги маълумотларни 1404 йилда Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси сифатида бу ерга келган ажойиб рицарь дон Руи Гонсалес де Клавихо эсдаликларидан топиш мумкинлигини, тахминан ўша пайтларда Самарқандда асирликда мюнхенлик Ганс

Шильтбергер эса шаҳар ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирмаганлигини баён қилади.

Бобурнинг “Бобурнома” асарини чуқур ўрганиб, ундан Самарқандга доир мисоллардан унумли фойдалана олган: “Бобур, гарчи саройлардан талайгинаси вайрон бўлган бўлса-да, Темур ва унинг набираси Улуғбек томонидан кўплаб иморатлар ва боғлар бунёд этилганлигини ёзиб қолдирган. Дилкушо ёки “Кўнгилларнинг лаззати” боғидаги йирик саройда Темурнинг Ҳиндистондаги жанглари тасвирловчи туркум сураатлар акс эттирилган. Темир (Оҳанин) дарвоза яқинидаги улкан масжид пештоқларига битилган Қуръон оятларининг ҳарфлари бир мил узоқроқдан ҳам бемалол ўқий оладиган ҳажмда бўлган”, деб ёзади.

Самарқанд шаҳрига таъриф берар экан, шундай ёзади: “Европада Ўрта Осиёнинг ҳеч бир жойи Самарқанд номидек лол қолдирадиган даражада эмас. Романтика оғушига қопланган, ўзига хос даврларни бошидан кечирган ва ўзининг улуғворлик анъаналарини ақл бовар қилмайдиган даражада сирли сақлаб келаётган Самарқанд узоқ вақт дунёнинг қизиқишини уйғотиб келган. Маҳаллий анъаналарнинг юзага келиши афсонавий қаҳрамон Афросиёб номи билан боғлиқ бўлиб, унинг истило ва ғалабалари Эрон ва Туркия, шунингдек Ўрта Осиёда тилларда дoston бўлган. Деворлардан бироз ташқаридаги тепалик вайрона ва кўрғонтепалардан иборат бўлган, у Қалъаи Афросиёб деб номланиб, шаҳарнинг асл жойи деб ҳисобланган.

Самарқанд бозори ҳақида сўз юритиб: “...Самарқанднинг ҳозирги 30,000 аҳолиси учун етарлича катта саналади. Эски бозорнинг асосий қисмлари тимлар – йирик саккиз бурчакли ёпиқ бинода майда-чуйдалар, икки-учта ёғоч уйда эса ипак ва пахтадан тайёрланган моллар сотилади”, деб ёзади.

Усмон Қуръони ҳақида ҳам қизиқарли маълумот бериб, “Айтишларича, мазкур Қуръон Усмоннинг ўзи томонидан ёзилган ва уйда унинг мутолааси билан машғул пайтида ўлдирилганлиги сабабли унинг қони китобга сачраган, қон излари ҳозиргача қолган.... машҳур Қуръон Тошкентга олиб кетилган. Қуръон бу ерда авлиёнинг (Хўжа Аҳрорнинг) машҳурлигини яна ҳам оширган. Кейинроқ Хўжа Аҳрор Самарқандга кўчиб келгач, Қуръонни ҳам ўзи билан олиб кетган. Унинг ўлимидан сўнг Қуръон шу масжиддаги тошдан қилинган катта лавҳга қўйилган. У жуда чиройли қўлёзма бўлиб, пергаментга тўлиқ куфий ҳарфларида битилган”, деб ёзади.

Ю. Скайлер Самарқанднинг кўп миллатлигига эътибор қаратиб, бу ерда яна хиндлар, яхудийлардан ташқари, кўплаб афғонлар, руслар, дарвишлар (бу ерда қаландарлар деб аталувчилар)нинг жамоаларини кўрганлигини қайд этади. Шохизинда масжиди, Бибихоним, Шердор, Амир

Темур мақбараси ва уларнинг қурилиши бўйича қимматли маълумотлар келтирилган.

Асарнинг ҳар иккала жилдида ҳам Ўрта Осиё халқлари маънавий, ижтимоий ҳаётининг ўзига хослиги, хусусиятли томонлари, унинг Шарқ цивилизациясига қўшган ҳиссасини кўрсатиб берувчи тарихий маълумотлар мавжуд. Шу жиҳатдан асар минтақанинг ўша даври тарихи билан бирга, узоқ ўтмишини ҳам ўрганишда бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.